

Ҳ У К М **Ўзбекистон Республикаси номидан**

Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман суди 2022 йил 7 май куни ўз биносида, очиқ суд мажлисида, видеоконференция алоқа режимида, судья Т.А.Обидовнинг раислигида, судья ёрдамчиси Б.Шаҳриддиновнинг котиблигида, томонлардан давлат айбловчиси Шайхонтоҳур тумани прокурорининг катта ёрдамчиси М.Бердиқиличованинг, судланувчи Д.Хамираева ва унинг ҳимоячиси “Shayxontohur Advokatlari” адвокатлар ҳайъати адвокати Ш.Ясингуннинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан айбланувчи:

07.05.1991 йилда Навоий вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, ўрта маълумотли, вақтинча ишсиз, муқаддам жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 18.03.2021 йилдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилиб, 1 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, Пастдарғом туман ИИО ФМБ Пробация бўлинмасининг 02.04.2022 йилдаги маълумотномасига асосан 7 ойи ўталмаган, Навоий вилояти, Зарафшон шаҳри, 12-кичик туман, 6-уй, 30-хонадонда доимий рўйхатда туриб, вақтинча Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани, Жума шаҳарчаси, Гулшан кўчаси, 2-уйда истиқомат қилувчи, айблов хулосаси нусхасини 14.04.2022 йилда олган, 20.04.2022 йилда “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилиб, 07.05.2022 йилда ушланган Хамираева Дилдора Аликуловнага оид 1-1003-2201/306-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, суд қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Д.Хамираева хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли билан қўлга киритиш мақсадида, 2021 йил 2 ноябрь куни соат тахминан 16:30 ларда “телеграм” мессенжериде фуқаро Султонмуродова Азиза Хожиакбар қизининг ишончига кириб, унга 12 кун давомида турли хилдаги аёллар кийимларини етказиб беришни ваъда қилиб, алдаб, ушбу кийимлар учун 2.200.000 сўмни пластик



картасига олдиндан тўлатиб олиб, ушбу пулларни қўлга киритган.

Судда судланувчи Д.Хамираева айбига тўлиқ иқроп бўлиб, “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали очилган “D styele” гуруҳида аёллар кийимлари ва болалар кийимларини сотиш билан шуғулланганлигини, 2021 йил 2 ноябрь куни соат тахминан 16:00 ларда А.Султонмуродова “телеграм” мессенжери орқали унга ёзиб, гуруҳида расмларини жойлаган бир нечта аёллар кийимларини сотиб олмоқчи эканлигини билдирганида унга ушбу кийимлар 12 кунда келишини, ушбу кийимларнинг умумий нархи 2.200.000 сўм бўлишини, пулларни олдиндан тўлиқ тўлов қилишини айтганида А.Султонмуродова рози бўлганлигини, шунда А.Султонмуродовага шахсий пластик картасининг рақамини юборганлигини, А.Султонмуродова ушбу картага 12 та аёллар кийими учун 2.200.000 пулларни тўлиқ ўтказиб берганлигини, шундан сўнг А.Султонмуродовадан олган ушбу пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб қўйганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, жабрланувчига етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаб берганлигини айтиб кўрсатув берди.

Дастлабки терговда жабрланувчи А.Султонмуродова “Телеграм” ижтимоий тармоғи орқали очилган “D styele” гуруҳига аъзо бўлиб, 2021 йил 2 ноябрь куни соат тахминан 16:00 ларда ушбу гуруҳда расмларини жойлаган бир нечта аёллар кийимлари ёққанлиги сабабли уларни сотиб олиш ниятида гуруҳни очган кейинчалик таниган Д.Хамиревага ёзганлигини, шунда Д.Хамираева ушбу кийимлар 12 кунда келишини, кийимларнинг умумий нархи 2.200.000 сўм бўлишини, пулларни олдиндан тўлиқ тўлов қилишини айтганида рози бўлганлигини, шунда Д.Хамираева шахсий пластик картасининг рақамини юборганлигини, ушбу картага 12 та аёллар кийими учун 2.200.000 пулларни тўлиқ ўтказиб бериб, Д.Хамираевадан кийимларни қачон олиши мумкинлигини сўраганида 12 кунда уларни етказиб беришини айтганлигини, бироқ, орадан анча вақт ўтса ҳам Д.Хамираева берган ваъдасини бажармай, пулларини ҳам қайтармаганлиги сабабли ИИБга мурожаат қилганлигини, унга етказилган моддий зарарни судланувчидан ундириб беришни сўраб кўрсатув берган ҳамда судга ариза билан мурожаат қилиб, унга етказилган моддий зарар судланувчи Д.Хамираева томонидан тўлиқ қопланганлигини маълум қилган.

Даслабки терговда гувоҳ Д.Султонмуродов жабрланувчи А.Султонмуродованинг кўрсатувларини тасдиқлаб, ўхшаш кўрсатув берди.

Бундан ташқари, судланувчи Д.Хамираеванинг хавфли рецидивист бўлгани ҳолда ўзганинг мулкани фирибгарлик йўли



билан қўлга киритишдаги айби нарсани тақдим қилиш ва кўздан кечириш баённомаси, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор ва ишда тўпланган бошқа далиллар билан тасдиқланади.

Суд судланувчи Д.Хамираеванинг жиноий ҳаракатлари юридик квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” банди билан фирибгарлик, хавфли рецидивист томонидан алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкани қўлга киритишда тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд судланувчи Д.Хамираевага жазо тайинлаш вақтида судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, етказилган моддий зарарни бартараф этганлигини, қарамоғида 2 нафар (кичкинаси 10 ойлик) вояга етмаган фарзандлари борлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топади ва унга нисбатан ЎзР ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, ЎзР ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган жарима жазосининг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашни лозим топади.

Шунингдек, суд Д.Хамираевага Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 18.03.2021 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган озодликни чеклаш жазосининг 7 ойини ўтамаганлигини инобатга олиб, унга мазкур жазони Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 61-моддалари тартибида қўшиб жазо тайинлашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И:

Хамираева Дилдора Аликуловна Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Хамираева Дилдора Аликуловнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми “б” бандига асосан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, базавий ҳисоблаш миқдорининг БЕШ баравари миқдорида 1.350.000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Хамираева Дилдора Аликуловнага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60 ва 61-моддалари тартибида жиноят ишлари бўйича Қуйичирчиқ туман судининг 18.03.2021 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган ва ўталмаган 7 ой озодликни чеклаш жазосини тўлиқ қўшиш йўли билан узил кесил ўташ учун ЕТТИ ой муддатга озодликни чеклаш ва базавий ҳисоблаш миқдорининг БЕШ баравари миқдорида



1.350.000 сўм жарима жазолари тайинлансин. Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 61-моддасига асосан жазолар алоҳида ижро этирилсин.

Озодликни чеклаш жазоси ижросини таъминлаш, Д.Хамираеванинг яшаш жойи бўйича Самарқанд вилояти Пастдарғом туман ИИБ Пробация бўлинмаси зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш муддати Д.Хамираева жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48¹-моддасига асосан Д.Хамираевага:

- сутканинг муайян вақти, яъни кеч соат 21:00дан эрталабки соат 06:00га қадар доимий яшаш жойидан чиқмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва яшаш манзилидаги волеят ҳудудидан четга чиқмаслик;

Д.Хамираевага жазони ўташ даврида, унга белгиланган чекланишларни бузган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ЖК 48¹-моддасининг 6-бандида кўрсатилган оқибатлар юзага келиши мумкинлиги тушунтирилсин.

Д.Хамираевага нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси бекор қилиниб, у дарҳол суд залида қамокдан озод қилинсин.

Д.Хамираевага нисбатан “муносиб-ҳулқ атворда бўлиш тўғрисида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилиб, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.

Ҳукм устидан апелляция шикоят ва протести ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан 20 сутка ичида, маҳкум ва жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида шу суд орқали Тошкент шаҳар судига берилиши мумкин.

Раислик этувчи:

Т.А.Обидов



Маъсул судья: Обидов Толибжон Авазхонович



Ҳужжат имзоланган: Обидов Толибжон Авазхонович, 08.05.2022

